

Февраль ойинг мавзуси “Ғаройиб дунё”

Гуруҳ		Кичик гуруҳ					
Ҳафта мавзу		Ҳайвонлар ва қушлар билан дўстлашамиз.					
Муддати		Февраль ойининг 2-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Қисқа, узун ёки турли чизиклар ёрдамида оддий нарсаларни тасвирлай олиш. Бир оёғининг учида бошқа оёғига таяниб гимнастика стулчасида юра олиш, дўстларига уларнинг ташқи кўринишлари ҳақида эслатма бериш, уларга ёрдам беришга ҳаракат қилиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Муסיқа тинглашда асарнинг кайфиятига мос оҳангини ажратиш,илтимос билан мурожаат қилиш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Феълни отга тўғри боғлай олиш,тушунарли сўзлар билан мурожаат қила олиш, ўзининг муносабатини назорат қила олиш, намуна бўйича бўёқ китобчасини бўяш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиш	Баъзи қушларни ва уларнинг болаларини кўринишига қараб ажратиш. Ўзига нисбатан фазовий йўналишни аниқлай олиш.					
	Ижодий ривожланиш	Пластиндан қўлни тўғри ҳаракати орқали устунчаларни ясаш					
Ривожланиш марказлари		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, иловалар
Эркин фаолият	Қуриш-ясаш ва математика	Товуқ ва жўжалар учун ин					Ҳар бир бола учун лево, товуқ ва жўжалар шакли.
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш			“Паррандалар уйи” Сюжетли-ролли ўйин			Паррандалар расми, атрибутлар.
	Тил ва нутқ	“Ёввойи ва уй ҳайвонлари” таълимий ўйини					Ҳайвонлар тасвирланган расм, ўйинчоқ жўжалар, ҳайвонлар ҳақида шеър ва топишмоқлар жамланмаси
	Фан ва табиат			Саъва (қуш)ни кузатиш			Қуш расми
	Санъат	Расм: “Жўжалар”	Лой: “Хўроз учун донлар”	Расм: Бўёқ “Олтин балиқча”		Аппликация “Қушлар учун ин”	Жўжа расми, А 4 ҳажмида қоғоз, сариқ ва қора рангли бўёқ, қоғоз сочиклар, сув идишда сув, мўйқалам учун идиш, қизил қалам, ясама хўроз, ўйинчоқ хўроз, пластилин, фартук, доска, қоғоз сочиклар.
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

Февраль ойининг 2-ҳафтаси

Ҳафта мавзуси: “Ҳайвонлар ва қушлар билан дўстлашамиз”

Қуриш-ясаш ва математика маркази:

Товуқ ва жўжалар учун ин ясаш

Мақсад: тарбияланувчилар қурилиш материаллари билан танишадилар, шаклларнинг катта ва кичик қисмларни бир-бирига мослаган ҳолда ясайдилар.

Жиҳозлар ва материаллар: қурилиш материаллари, леґо, конструктор, товуқ ва жўжалар расми.

Фаолиятнинг бориши:

1. Товуқ ва жўжалар суратини кузатиш
2. Ин намунаси билан танишиш
3. Болалар иши
4. Рағбатлантириш

Қўшимча қисм: қурилган инларига товуқ ва жўжа ўйинчоқларини жойлаштиришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳатлар: товуқ ва жўжаларни фарқлаш, номларини айтишга ўргатиш.

Тил ва нутқ маркази:

Ёввойи ва уй ҳайвонларини ажратиш

Мақсад: тарбияланувчилар ёввойи ва уй ҳайвонларининг номларини, уларнинг болаларини биладилар. бир-биридан фарқлайдилар.

Жиҳозлар ва материаллар:

Уй ҳайвонлари (мушук, кучук, қўй, сигир), ёввойи ҳайвонлар (бўри, қуён, тулки, айиқ) ва уларнинг болалари расмлари, карточкалар, ўйинчоқлар, бош кийимлар, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Уй ва ёввойи ҳайвонлар суратларини кўриб чиқиш
2. Уй ва ёввойи ҳайвонлар карточкаларини ажратиш.
3. Ҳайвонлар болалари тасвирланган карточкаларни оналари тасвирланган карточкалар ёнига жойлаштириш
4. Рағбатлантириш

Қўшимча қисм: ҳайвонлар тасвирланган бош кийимларни танлаб, ҳайвонлар ҳаракати ва овозига мос тақлид қилишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: ҳайвонлар болаларининг номларини билиш орқали тарбияланувчилар луғатини бойитиш (қўзичоқ, бузоқча, кучукча, мушукча, тулкича, қуёнча)

Санъат маркази:

Расм: Жўжалар

Мақсад: тарбияланувчилар қаламни босмасдан қоғоз марказига айланма чизиқлар чизиб, жўжа расмини чизадилар, рангларни фарқлайдилар.

Жиҳозлар ва материаллар: қоғоз, рангли қаламлар, жўжа расми, ўйинчоқ жўжа, АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. Жўжалар расмини кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Жўжа расмини чизиш кетма-кетлиги билан танишиш.
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: “Жўжаларим” қўшиғини тинглаш ва рақсга тушишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: паррандалар ҳақида тушунчаларни кенгайтириш.

Санъат маркази:

Лой: Хўроз учун донлар

Мақсад: тарбияланувчилар Бир бўлак лойни бўлакчаларга бўлиш, бармоқлари орасида думалоқлаб доира ясади.

Жиҳозлар ва материаллар:

Лой ва пластилин, тахтача, хўроз ўйинчоғи, кушлар тасвирланган карточкалар, АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. Хўроз ўйинчоқни кузатиш.
2. Намуна донлар билан ўйинчоқ хўрозни меҳмон қилиш.
3. Лойдан дон яшаш
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: кушлар карточкалари орасидан ўзига таниш бўлган (қалдирғоч, мусича, чумчуқ) кушларни ажратишни таклиф этиш

Эътиборга молик жиҳати: кушлар ҳақида тушунчаларни кенгайтириш

Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази:

Паррандалар уйи

Мақсад: тарбияланувчилар паррандалар номини биладилар ва уларни фарқлайдилар, паррандалар овозига тақлид қиладилар, паррандаларга меҳрли ва дўстона муносабатда бўлишни ўрганадилар.

Жиҳозлар ва материаллар: товуқ, хўроз, жўжа суратлари, ўйинчоқлари, АКТ, паррандалар тасвирланган бош кийимлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Товуқ, хўроз, жўжа суратларини кузатиш.
2. Паррандалар бош кийимларини танлаш.
3. Паррандалар товуши ва ҳаракатларига тақлид қилиб ўйнаш.
4. Болаларга ролларни алмаштиришни таклиф қилиш.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: “Чипор товуқ” расмли эртақ китобини кўришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: жонли табиатга бўлган қизиқишни уйғотиш.

Фан ва табиат маркази:

Саъва қушини кузатиш

Мақсад: тарбияланувчилар қушларни номи, ранги, катта кичиклиги, товушига кўра фарқлайдилар.

Жиҳозлар ва материаллар: қафасдаги қуш, мусича, чумчуқ, қалдирғоч ва бошқа қушлар тасвирланган карточкалар, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қафасдаги саъва қушини кузатиш
2. Қушнинг қаноти, ранги, тумшугини аниқлаш
3. Қафасдаги қушларни овқатлантириш.
4. Қушлар тасвирланган карточкалар орасидан мусича, чумчуқ, қалдирғочни ажратиш.
5. Болалар ишларини кўриб чиқиш (муҳокама қилиш) ва рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: қушлар товушини тинглаш, тақлид қилиш, қушлар номини топишни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳат: жонли табиатга қизиқишни уйғотиш. Болалар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш.

Санъат маркази:

Расм: Олтин балиқча

Мақсад: тарбияланувчилар мўйқаламни тўғри ушлаб, етарли даражада бўёқни олиб, эркин ҳаракатланиб бўяшга ўрганадилар, рангларни танийдилар.

Жиҳозлар ва материаллар: рангли бўёқлар, қоғоз, тайёр шакл, балиқча расми, ҳаво ранг ватман қоғоз.

Фаолиятнинг бориши:

1. Балиқчалар карточкасини кузатиш.

2. Намуна билан танишиш.
3. Балиқчани бўяш.
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: ҳаворанг ватман қоғозига ўзлари бўяган балиқчаларни жойлаштириш орқали денгиз тубини ҳосил қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: балиқ сувда яшаши ҳақида тушунча бериш.

Санъат маркази:

Аппликация: Қушлар учун ин

Мақсад: тарбияланувчилар тайёр шаклларни навбатма-навбат тўғри жойлаштириш ва тартибли елимлаш орқали тасвир ҳосил қиладилар.

Жиҳозлар ва материаллар: оқ қоғоз, рангли қоғоздан тайёр шакллар (учбурчак, тўғри тўртбурчак, доира) ва қушлар инларининг расмлари, рангли қоғоздан қушларнинг шакллари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қушлар инларининг расмларини кузатиш.
2. Намуна билан танишиш.
3. Елимлаш кетма-кетлиги билан танишиш.
4. Иш жараёни.
5. Рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: инлар ёнига қушларни ёпиштириш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни ўзлари бажарган ишлардан завқланишга ўргатиш.